

Хабар

27
(928)-son

2-iyul

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

Алоқа тарихи музейида ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

Ўтган йили пойтахтимизда Алоқа тарихи музейи очилганидан кўпчиликнинг хабари бор. Шу вақт оралиғида минглаб соҳа тарихига кизикувчилар музей экспонатлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Уч каватдан иборат кўркам бу бионинг биринчи каватида бир карашда жонлидек кўринган от ва аравада почта ташувчилар турибди. Мазкур Кўкон от-араваси макети почта алоқаси тарихининг рамзи ва тимсоли сифатида Кўкон шаҳрининг кўли гул хунарманд усталари томонидан ниҳоятда мохирлик билан ишланган.

Музейнинг иккинчи каватида соҳага оид 400дан ортиқ экспонатлар, ашё ва коллекциялар кўргазма залидан муносиб жой олган ва оммавий тарзда ташриф буюрувчиларга намойиш қилинмоқда.

25 июн куни музейнинг яна бир бўлими ишга тушди. Маросимда соҳа раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этишди.

5-бет



2 ИЮЛ – ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ КАБУЛ КИЛИНГАН КУН

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Ўз давлат рамзларига эга бўлди. Уларда халқимизнинг маънавий-маданий мероси, тарихи, урф-одат ҳамда анъаналари, орзу-умидлари, эзгу мақсадлари мужассамдир. Давлатимизнинг Байроғи, Мадҳияси, Конституцияси, миллий валютаси каби Герби ҳам ана шундай муқаддас тимсоллардандир.

Президентимиз Илҳом Каримов 1992 йилнинг 2 июлида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги қонунга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида халқимизнинг тарихи, орзу-истаклари, қадриятлари, турмуш тарзи, юртимизнинг гўзал табиати акс этган. Ундаги ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор.

Гербимиз марказида саодат, эрксеварлик, ҳиммат, олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Хумо қушининг қанотларини ёзиб парвозга шайланиб тургани тасвирланган. Ватан тимсоллари миллий гуруримизни юксалтиришга, она диёримизга бўлган муҳаббат ва садоқатимизни кучайтиришга, келажакимизга ишончимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўнги янгилик!

Seagate компанияси томонидан дунёда биринчи бўлиб битта тўпловчига асосланган уч терабайтлик ташқи қаттиқ диск ишлаб чиқилди. FreeAgent GoFlex Desk деб номланган бу маҳсулот контент яратиш ва истеъмол қилиш бетиним ўсиб бораётган бугунги шароитда жуда қўл келиши мумкин. Бу дискка 120та тўлиқ метражли HD-филм, 1500та видеоўйин сиғади.

Parks Associates компаниясининг яқинда берган ҳисоботида айтилишича, 2014 йилга бориб ҳар бир хонадон учун видеоларни сақлаш, Blu-ray дисклардан нусха олиш ва DVR-тизимни ривожлантириш учун ўртача ҳисоблаганда 900 ГБ хотира зарур бўларкан.

Ушбу сонда:

Кун тартибида: ■ Ижро интизоми ва илмий ишлар ахволи	2
■ Энг мохир матбуот тарқатувчи	5
■ Прошло общее собрание акционеров «Узбектелеком»	6
■ Фаоллик омили	12
■ Она юртим – олтин бешигим	14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Алоқа оламида:

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Umadan Umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Мамлакатимизда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табритини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси томонидан "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги қўмитаси ўтказган давра суҳбати фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунларни такомиллаштиришга бағишланди.

Тошкентда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида 26 июн — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кўни арафасида мамлакатимиз ҳукумати топшириғига биноан Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда наркотибизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган 1 минг 731 килограмм наркотик моддалар йўқ қилинди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Ёшлар — тигеҳландликка қарши!" мавзуда фестивал бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" ЕИХ вилоят кенгаши, ОИТСга қарши курашиш маркази, "Маҳалла", Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда турли соҳа вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадний академиясининг Марказий кўргазмалар залида Қамолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўқув даргоҳининг амалий санъат йўналишида таълим олаётган иқтидорли ёшларнинг компотер графикаси услубида яратган ижод намуналари санъат ихлосмандларида катта тассурут қолдирди.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Брифинг қатнашчиларининг эътибори Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги даврида эришилган натижалар, жумладан, ШХТ фаолияти самарадорлигини юксалтиришга йўналтирилган ташкилотнинг устувор вазифаларини амалга ошириш борасида қилинган салмоқли ишларга қаратилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.

Хайъат кун тартибидаги "Агентликнинг Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий бошқармалари ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги масала селектор орқали кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Агентликнинг ҳудудий бошқар-

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалига жами 126га мурожаат келиб тушган, шулардан 49таси шикоят тарзида қайд этилган. Мазкур шикоятлар кўриб чиқилган бўлиб, улардан тўрттаси асосли эканлиги аниқланган. Шикоятларнинг кўриб чиқиш натижасига кўра филиалнинг айбдор шахсларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган. Мана шу дав-

➤ HAY'AT YIG'ILISHIDA

ларида олиб бориляпти. Университет ўтган йили соҳа корхоналари билан амалга оширган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми 308,489 млн. сўмни ташкил қилди. Ушбу ишлар натижасида университет томонидан 9та янги дарслик яратилган.

Ўтган йили илмий-тадқиқот ишлари натижасида битта ихтирога патент ва еттита дастурий маҳсулотта муаллифлик гувоҳномалари олинди. Жорий йилда эса битта ихтирога патент ва олтига дастурий маҳсулотта муаллифлик гувоҳномалари

Кун тартибида: ИЖРО ИНТИЗОМИ ва илмий ишлар ахволи

малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-

ма малар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов мабуруза қилди. Мабрузачи ушбу вилоятларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш асосан олтига йўналиш бўйича олиб борилганлигини таъкидлаб, ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Хусусан, ҳар икки вилоятда ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш бўйича масъул шахслар ажратилган. Агентликнинг бар-



Алоқа тарихи музейида янги экспозиция

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Техник адабиётлар, алоқа кабеллари ва ўлчов техникалари тарихига бағишланган мазкур экспозиция музей биносининг остки қисмида жойлашган. Экспозиция шундоқки на зиналардан бошланади: тушиб бораркансиз, машхур ихтирочи А.Беллнинг деворлардаги фотосуратларига, шунингдек, тарихий аҳамиятга эга телефон аппаратлари ва бошқа алоқа воситаларига кўзингиз тушади.

Зал марказидаги супаларда ўтган асрнинг иккинчи ярмига оид ўлчов асбоблари намуналари жойлашти-

рилган. Улар орасида осциллографлар, шаҳарлараро ва маҳаллий алоқа кабелларини ҳамда оптик толали кабеллар параметрларини ўлчовчи асбоблар бор. Эътиборни тортадиган экспонатлардан бири – 1938 йили чиқарилган ёғоч корпусли волтметр соз ҳолатда турибди. Залнинг деворларига 1950-йилларда ишлатилган ҳар хил таксофонлар ўрнатилган. Бу таксофонлар ҳам ишчан ҳолатда, маросимда иштирок этганлар аппаратлар орқали ўзаро суҳбатлашиб, бунга амин бўлишди.

Экспозициялар ичида радиофи-

кация, қишлоқ ва шаҳарлараро алоқа тармоқларида ишлатилган алоқа симлари ҳамда кабеллар намуналари жойлаштирилган стенд алоҳида ўрин тутди. Залга киришда музей мутахассислари томонидан тайёрланган XX аср бошларига тааллуқли телефон аппарати макети ўрнатилган.


Шунингдек, иккита хонадан иборат кутубхона ҳам ташриф буюрувчилар эътиборини жалб этади. Ўқув хонаси ва Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкил этилган экспозиция махсус стеллаж

билан жиҳозланган. Унда китоблар, журналлар, ўқув қуроллари, маълумотномалар, маърузалар матнлари ва техникага оид бошқа адабиётлар ўрин олган. Бу китобларнинг айримлари ўтган асрнинг 30-йилларида нашрдан чиқарилган. Кутубхона фонди 800дан ортиқ нусхани ташкил этади.

Музей ҳеч бир ташриф буюрувчини бефарқ қолдирмайди. Айниқса, соҳада меҳнат қилаётган фидойилар, илм-фан намояндлари, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар ва ўқувчилар учун ўзларини қизиқтирган маълумотларни олишига, ашё ва коллекциялар тарихини ўрганишига, ноёб экспонатлар асосида изланиб, янгиликлар яратишига қулай бўлган оммавий масканга айланди.

Дуффилло ТУРСУНОВ

ZiyoNET ахборот-ресурс маркази тармоғи янги – Fikr.uz лойиҳасини ишга туширди. Fikr.uz сайти фойдаланувчиларга фикрларини эркин баён қилиш, турли соҳадаги кишилар билан таълим, маданият, жамият ҳамда ахборот технологиялари каби йўналишларда фикр, тажриба алмашиш имконини беради.



YANGILIK

ланувчи RealID мақомини олиш учун барча босқичларни босиб ўтган бўлса, сайтнинг барча хизматларидан фойдалана олади. RealID мақомига эга бўлмаган ва ID.Уздан рўйхатдан ўтмаган порталнинг бошқа фойдаланувчилари эса фақат хабарларнинггина ўқийдилар.

Fikr.uzning maksadi

Фойдали ресурсни тузиш орқали фойдаланувчиларнинг IT соҳасидаги, таълим, маданият, санъат, фан ва бошқа соҳалардаги, шунингдек, давлат ва жамоат муассасаларининг ходимлари билан муҳим ҳаётий саволлар асосида мулоқотини йўлга қўйишдир.

Fikr.uz сайти лойиҳада фаол иштирок этувчилар ёрдамида ривожланади. Фойдаланувчилар биз тузган лойиҳанинг келажакда ривожланиши учун ўз гоилари ва қарашлари билан ҳисса қўшадилар деган умиддамиз. Fikr.uz сайтининг бета-кўриниши синондан ўтиши жараёнида сўз усталари – блогерлар, журналистлар, маданият ходимлари сайтдан рўйхатдан ўтишди. Улар билан Fikr.uz сайтининг фойдаланувчилари Fikr.uz “жамият”ига бирлашишлари мумкин.

Бундан ташқари, Fikr.uz маъмурияти томонидан сайт фойдаланувчиларига доимий равишда турли акция ва тadbирлар ўтказиш режалаштирилган.

Fikr.uz сайтида блогингизни тузинг ва у ерда хабарларни жойлаштириб, муҳокамаларда иштирок этинг.

ZiyoNET

Fikr.uz – турфа фикрлар макони

Сайти тузишда LiveStreet платформаси танлангани рейтингларни ҳисобловчи мураккаб тизим ёрдамида хабар ва мақолаларнинг сифати ва мазмунига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш имконини ҳам яратди.

Fikr.uz сайтининг вазифаси нимадан иборат?

Fikr.uz – ахборот ресурслари ва ижтимоий тармоқдаги ўзига хос мулоқот майдончаси бўлиб, бу ерда фойдаланувчиларнинг нафақат фикр ва мулоҳазалари, балки ўзаро алоқалари ҳам мужассамлашган бўлади.

Сайтда турли йўналишдаги шахсий ва жамоат блогларини тузиш, сўровнома ўтказиш, ўзаро мулоқот қилиш ҳамда фойдаланувчиларнинг блогларини ўқиб,

мақолаларга баҳо бериб бориш мумкин.

Лойиҳада асосий эътибор турли йўналишдаги жамоат блогларини тузишга қаратилди. Барча жамоат блоглари фойдаланувчилар томонидан тузилади ва бошқарилади, яъни Fikr.uzнинг ҳар бир фойдаланувчиси жамоат блогини тузиши, шунингдек, ўзга фойдаланувчиларга ушбу блогдан фойдаланиш имконини бериши ҳамда ўзини қизиқтирган мавзулар бўйича бошқа блогларда мулоҳаза юритишда қатнашиши мумкин. Жамоат блогларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида аввал унинг йўналиши танлаб олинди, каталогка киритилади.

Fikr.uz сайтининг ўзбек ва рус тилларида фаолият олиб бориши фойдаланувчиларга мулоҳазаларини

ни қийналмай билдиришлари учун қулайлик туғдиради.

Шунингдек, унда махсус “Ўзингни намоён қил” блоги мавжуд бўлиб, фойдаланувчилар у ерда лойиҳа тавсифи, муассасалар фаолияти, акция ва тadbирлар ёритиб берилган реклама мазмунига таъвиқот мақолаларини бепул жойлаштирадилар бўлади.

Сайтда рўйхатдан ўтиш тартиби

ZiyoNET тармоғининг барча лойиҳалари каби Fikr.uz сайти ҳам ID.UZ ягона рўйхатдан ўтиш тизими орқали фаолият олиб боради. Агар фойдаланувчи аввал ID.UZдан рўйхатдан ўтган ва ҳисоб ёзувига эга бўлса, сайтдан рўйхатдан ўтмайди. Бундан ташқари, ID.UZдан рўйхатдан ўтган фойда-

Xalqaro hayot



ЖОСУСЛАР КЎЛГА ОЛИНДИ

Америка Қўшма Штатлари махсус хизмати вакиллари Россия разведкасига хизмат қилаётган ўн кишини қўлга олди. Уларнинг саккиз нафари профессионал разведкачи, икки нафари эса ёлланган фуқаролар эканлиги айтилмоқда. Яна бир разведкачига нисбатан қидирув эълон қилинган.

Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, Россия президентининг АҚШга сафари вақтида юз берган бу ҳолат икки давлат ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Дмитрий Медведов сафари арафасида Оқ уй раҳбари Барак Обама расмий Москвани ишончли ҳамкор, деб таърифлаган эди.

ОРОЛЛАР СОТУВГА КЎЙИЛДИ



Греция қарзлардан қутулиш учун ўз ороллари сойтишга ёки узоқ муддатли ижарага беришга қарор қилди, деб ёзади The Guardian нашри.

Ҳозир мамлакатнинг энг кўп сайёҳлар келадиган Микнос ҳудудидаги дам олиш масканлари ва бошқа объектлар сотувга қўйилган. Шунингдек, Родос оролини харид қилмоқчи бўлганлардан ҳам таклифлар олинган.

Ҳақон молиявий-иқтисодий инқирози Грецияга жуда салбий таъсир кўрсатди. Айни пайтда юзага келган маблар тақчиллигига барҳам бериш осон кечмаяпти. Ҳатто Европа Иттифоқи томонидан жорий йилнинг май ойида ажратилган 110 миллиард евро миқдоридagi кредит ҳам вазиятнинг ўнгилишига қафолат бўлмапти.

ҲУКУМАТ КЎШИНЛАРИГА ХУЖУМ

Reuters хабарига кўра, Аш-Шабаш жангарилар гуруҳи Сомали пойтахти Могадишо жанубидаги ҳукумат кўшинларига ҳужум қилган. Тўқнашувда 20 киши ҳалок бўлган. Уларнинг тўрт нафари ҳукумат аскарлари, 13 нафари жангарилар, уч нафари эса тинч аҳоли вакиллари эди.

Хабарда таъкидланишича, жангарилар сафида ёлланган хорижликлар ҳам бор. Улар мамлакатнинг ва пойтахт Могадишонинг бир қисмини назорат қилиб туришибди. Жангарилар Сомалида ислом давлати қуриш учун кураш олиб боришмоқда.

ОҒУФУРУШ МИЛИЦИОНЕР

«Новый регион»нинг ёзишича, Москвада махсус хизмат вакиллари томонидан милиция лейтенанти бўлган аёл қўлга олинди. Бунга сабаб 25 ёшли лейтенант кокаин ва метадон гиёҳвандлик моддалари сотиш билан шугулланган. У Москва – Рига темир йўл станцияси ички ишлар идорасида ишлайди. Июн ойининг бошларида махсус хизмат вакилларига бу аёлнинг гиёҳванд моддалар савдосига алоқадорлиги тўғрисида ахборот тушган эди.

Милиционер аёл қўлга тушган пайтда унинг ёнидан 239 грамм кокаин ва 247 грамм метадон топилди. Унга нисбатан жиноий иш очилиб, тергов ҳаракатлари бошланди.

КИМЁ КОРХОНАСИДА ЁНҒИН

Синхуа ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Хитой пойтахти Пекин шаҳри атрофидаги Yanfang Huaxing Warehouse Logistics компаниясига қарашли кимёвий корхонада ёнғин содир бўлган.

Натижада мазкур муассасага жиддий талофат етган, қурбонлар ва жабранганлар йўқ. Ёнғинни бартараф этишга қарийб элликлан ортиқ ўт ўчириш бригадаси жалб қилинган.

Ҳозирча ёнғин сабаблари аниқ эмас. Мутасадди идоралар бу ерда тез ёнғинчи хусусиятга эга ацетон кимёвий моддаси сақланганини маълум қилишган.

SALOMATLIK

ОФТАЛМОЛОГ-ТЕЛЕФОН

Media Lab тадқиқотчилари яратган янги қурилма, агарда у мобил телефон билан бирга қўллansa, кўриш қобилияти билан боғлиқ муаммоларга ташхис қўйишда қўл келиши мумкин.

Тест учун бир неча дақиқа вақт кетади. Бу вақт давомида бемор телефон экранига ўрнатилган мўъжаз қурилмага тикилиб турса кифоя. Қурилма кичик линза ва тирқишлардан иборат бўлиб, турли масофалардан кўриш қобилиятини ўлчайди.

Мабодо тест чоғи қандайдир муаммо туғилса, бемор телефон дисплейини тасвир аниқ-равшан бўлгунга қадар тўғрилаб, ташхисга эга бўлади.



ТАШИЛ

ТЕЛЕФОННИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Apple iPhone 4-нинг асл нархи қанча? iSuppli компанияси мутахассислари буни ҳисоблаб чиқишди – 187,51 доллар.

Компания тадқиқот учун бу телефоннинг 16 гигабайт хотиралисини танлади. Ҳисоблаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатлари, логистика, реклама, дастурий маҳсулот ва ҳоказо қўшимча харажатлар инobatга олинмади, шунчаки, телефон қисмларга бўлиб чиқилди.

Маълум бўлишича, телефоннинг энг қиммат қисми – бу унинг 3,5 дюймлик, 960x640 пикселга эга LG Displayда ишлаб чиқилган суюқ-кристалл дисплейи экан. Унинг баҳоси – 28,5 доллар. Samsung компанияси тайёрлаб берган A4 процессори эса 10,75 долларга баҳоланган.

STMicroelectronics маҳсулотни ҳисобланган гироскоп (телефоннинг муҳитдаги йўналишини аниқлайди) нархи – 2,60 доллар.

Роппа-роса бир йил аввал iSuppli iPhone 3GSни ҳам худди шу йўсинда таҳлил қилиб, 179 долларга баҳолаганди.

АҚШда iPhone 4нинг 16 ва 32 гигабайтлик моделлари 199 ва 299 долларга сотиляпти. Тўғри, бунинг учун Apple билан эксклюзив битимга эга AT&T мобил оператори билан икки йиллик шартнома тузиш лозим бўлади.

Шартномасиз телефон анча қимматга тушади. Масалан, Францияда iPhone 4 (16 Гб)ни мобил алоқа оператори иштирокисиз 629 еврога харид қилиш мумкин.

Apple компанияси маълумот беришича, iPhone 4нинг дастлабки уч кунги савдосида рекорд кўрсаткич қайд этилган – жами 1,7 миллион нусха телефон сотилган.



MOBIL ALOQA

ЭНГ КЎП АБОНЕНТ ҚАЕРДА?

Хитой ахборот соҳаси вазирлиги расмий ҳисоботида кўра, мамлакатда мобил алоқа абонентлари сони 796 миллионга етган. Май ойида 9,6 миллион киши, йил бошидан бери 48,6 миллион киши мобил алоқа абонентларига айланган. 3G-тармоқ абонентлари сони эса бир йилда деярли икки бараварга кўпайиб, 22,6 миллионга етган.

Муस्ताқил экспертларнинг таъкидлашича, Хитой мобил фойдаланувчилар базаси дунёда энг йирик ҳисобланади, шунга қарамасдан, фойдаланувчилар сонининг энг юқори ўсиш суръати Ҳиндистонда кузатишмоқда. Масалан, май ойида 16,3 миллион киши уяли алоқа хизматига уланган. Мобил тармоқлардан фойдаланувчилар умумий сони эса 617,5 миллионга етган.

China Mobile Хитойнинг энг йирик мобил алоқа оператори мавқеини сақлаб турибди – 549 миллион абонент. China Unicom 155,3, China Telecom 71,5 миллион мижозга эга.

BIZNES

НОУТБУКЛАР ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ

Sony корпорацияси Vaio туркумига кирувчи ноутбукларининг 535 мингта-сини қайтариб олмақчи. Сабаб – уларда нуқсон топишган ва бу муаммо компютерларнинг қуйишига олиб келиши мумкин. Ана шу «қора рўйхат»га Vaio F11 ва Vaio CW2 туркумидаги компютерлар киргани ҳақида корпорация сайтида айтилади.

Бу нуқсонларни тузатиш қанчага тушиши мумкинлиги ҳақида бирор-бир маълумот йўқ. Ҳозирча, ягона чора сифатида ноутбук учун дастур чиқарилган бўлиб, у юклаб олинса компютер вентиляторини тезроқ айлантираркан.



SERVIS

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ ПРИНТЕРДА

Япониянинг Weathernews компанияси янги хизматни йўлга қўйди. Унинг ёрдамида янги русумдаги, интернетга уланувчи Hewlett-Packard принтерлари ҳар кунлик об-ҳаво маълумотини бериб боради.

Компания дунёнинг турли нуқталарида жойлашган 30 мингдан ортиқ метеостанциядан олинган янги маълумотни мазкур хизматга обуна бўлганларнинг принтерларига мунтазам йўллаб туради.



Энг моҳир матбуот таркатувчи

“Матбуот таркатувчи” акциядорлик компанияси 2009 йилдан буён матбуот дўконлари сотувчилари ва шартнома асосида киоскни ижарага олиб фаоллият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида “Энг моҳир матбуот таркатувчи” кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.

Танловни ўтказишдан мақсад — матбуот тарқатиш соҳасини янада ривожлантириш, мамлакатимизда ва хорижда чоп этилаётган даврий матбуот нашрларини ўз вақтида муштарийларга етказиб бериш

сифатини юқори даражага кўтариш, зиё тарқатишдек хайрли ишни амалга ошираётган ходимларнинг ўз ишига бўлган қизиқишларини ҳамда хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини кўрайтиришдан иборат.

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда матбуот дўконлари фаолияти юзасидан ҳужжатлар, иккинчи босқичда улар фаолияти жойларга чиқиб ўрганилди. Учинчи босқичда эса киоск сотувчисининг билим даражаси текширилди. Ташкилий кўмита томонидан матбуот дўконлари сотувчиларига матбуот тарқатиш соҳасининг халқ хўжалиги соҳасида тутган ўрни, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши бўйича эркин мавзуда савол-жавоблар берилди.

Танловнинг якуний босқичи — ғолибларни тақдирлаш маросими Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мажлислар залида тантанали равишда ўтказилди. Маросимда Агентлик Бош директори Ҳ.Муҳитдинов кўрик-танлов иштирокчиларини 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходим-



Танловнинг 1, 2, 3-ўрин соҳиблари

лари кунни билим самимий табриклади.

Шундан сўнг ғолибликни қўлга киритган ходимларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Кўрик-танловда Баркамол авлод йили муносабати билан энг ёш матбуот дўкони сотувчилари — Дилобар Шораҳмедова ва Асатилла Алимовлар идишлар тўплами билан “Энг фаол иштирокчи”, “Энг фаол матбуот таркатувчиси”, “Энг кўп болалар нашрларини сотиш”, “Энг кўп ижтимоий-сиёсий нашрлар сотиш” номинациялари бўйича ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Танловда 1-ўринни эгаллаган 216-штак киоск сотувчиси ШОира Азизова ва 170-штак киоск сотувчиси Рихси Маҳаматова 1-даражали диплом ва “SAMSUNG” телевизорлари билан тақдирланиши.

Кейинги 2-ўрин Дилором Саримсоқова, Иқбол Расулова, 3-ўрин эса Шукур Ваҳобов, Надежда Кондратевага насиб этди. Улар ҳам компания ва касаба уюшмаси кўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

М.ОДИЛОВА,
“Матбуот таркатувчи” АК ходими



Энг ёш матбуот дўкони сотувчилари — Дилобар Шораҳмедова ва Асатилла Алимовлар

SEMINAR

Бошқарув органларида АКТ

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида “Давлат бошқарув органларида АКТнинг қўлланиши” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “АКТ сиёсати” лойиҳаси ҳамкорлигида Баркамол авлод йили Давлат дастурда белгиланган давлат муассасалари ходимлари, маҳаллий ҳокимлик органлари мутахассислари, тадбиркорлар ва аҳоли учун ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича ўқишлар, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш каби вазифалар ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган икки кунлик семинар-тренингда вилоятнинг шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, давлат муассасалари ходимлари, маҳаллий органлар мутахассислари ва тадбиркорлар учун ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши бўйича машғулотлар олиб борилди.

Семинарда электрон ҳуқуқат, АКТ сиёсати ва унинг Ўзбекистондаги тараққиёти, АКТ лойиҳалари, компютер технологияларининг асоси, ахборот хавфсизлиги, Ўзбекистонда электрон имзо, электрон ҳужжат айланиши, АКТ соҳасининг тараққий этиши ва бошқа мавзуларда Вазирлар Маҳкамасининг АКТ бўйича масъул ходими

Шоҳруҳ Раҳмат, БМТ Тараққиёт Дастурининг “АКТ сиёсати” дастури менежери Баҳодир Аюпов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассиси Исроил Умаров, “Nitex” замонавий технологиялар агентлиги директори Зиёдулла Шарипов, UNICON.UZ электрон имзолар калитини рўйхатдан ўтказиш маркази бошлиғининг ўринбосари Зафар Раҳматуллаев, вилоят ҳокимлиги компютерлаштириш маркази директори Абдураҳмон Чупонов ҳамда ТАТУ Қарши филиали, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг мутахассислари амалий машғулот олиб бордилар.

Шунингдек, семинар-тренингда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам сўз бориб, семинар иштирокчиларининг билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди, уларга сертификатлар топширилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири

YOZ — O'TMOQDA SOZ



Кумушконга саёҳат

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам», дейишади. Дарҳақиқат, жазирама ёз айна авжига олган паллаларда дам олиш кунларини соя-салқин, баҳаво масканларда ўтказишга нима етсин?! Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Кумушкон» оромгоҳини билмайдиганлар юртимизда кам топилса керак. Айниқса, ёз фаслида бу ерлар ҳар қачонгидан гавжумлашиб кетади. Ўтган меҳнат ҳафтасини муносиб яқунлаган Тошкент вилояти почтачиларининг бир гуруҳи ҳам бу ерда уч кун давомида мазмунли ва мароқли дам олиб қайтишди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир филиалнинг Баркамол авлод йили Давлат дастурини бажариш режалари қаторига киритилган бўлиб, унда алоқачилар ва уларнинг фарзандлари ҳамда фахрийлардан иборат қирқдан зиёд киши қатнашди. Шу кунлари оромгоҳнинг барча қулайликларга эга учта хонаси почтачилар ихтиёрида бўлди.

«Бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад ходимларимиз ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ўзаро аҳилликни кучайтиришдир, — дейди Тошкент филиали директорининг биринчи ўринбосари Абдуғани Ҳайдаров. — Бундан ташқари, жорий йил ёз мавсумида вилоятимиз почтачиларининг 50 нафар фарзанди «Алоқачи», «Нилуфар» оромгоҳларида, тўрт нафари Ангрен ва Паркентдаги оромгоҳларда дам олиб қайтади».

Почтачилар ўзаро гуруҳларга бўлиниб шахмат, шашка, арқон тортиш, эстафета сингари спорт мусобақаларида қатнашишди, бадий чиқишларда алоқачилар ва уларнинг фарзандлари ўз истеъодларини намойиш этишди. Спорт баҳсларида Даврон Нурматов бошчилигидаги жамоага, бадий чиқишларда Шоҳия Беқирова оиласи, ёш ижрочилар ўртасида Нозима Худойбердиеваларга тенг келадиганлар топилмади. Уларнинг барчасига ташкилотчилар ўз совғаларини тақдим этишди.

Ўз муҳбиримиз

Прошло общее собрание акционеров АК «Узбектелеком»

25 июня 2010 года, в конференц-зале Музея истории связи состоялось очередное общее собрание акционеров АК «Узбектелеком», в повестке дня которого были утверждены результаты финансово-хозяйственной деятельности АК «Узбектелеком» по итогам 2009 года, годовой финансовой отчетности компании, бизнес-плана компании на 2010 год, а также рассмотрены вопросы распределения чистой прибыли и выплате дивидендов, утверждении и другие вопросы, входящие в компетенцию общего собрания акционеров.



В мероприятии приняли участие акционеры, члены Наблюдательного совета АК «Узбектелеком», руководители компании, департаментов, отделов и руководителей филиалов и предприятий входящих в структуру компании.

С отчетом об итогах финансово-хозяйственной деятельности компании за 2009 год выступил Генеральный директор АК «Узбектелеком» Махсум Мубаширович Махмудов, отметивший, что в целом 2009 год был успешным. В частности, в 2009 году компанией и ее подразделениями были получены доходы от основной деятельности в размере 269,9 млрд. сумов, план выполнен на 106 %, прирост по сравнению с 2008 годом составил 14 %. Полученная прибыль от общехозяйственной деятельности составила 7,7 млрд. сумов, а чистая прибыль - 2,9 млрд. сумов.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 января 2009 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию производственной и социальной инфраструктуры» АК «Узбектелеком» реализован ряд крупных проектов, таких как:

Реконструкция узла специальных служб (Call Centre) в городе Ташкенте;

Расширение сети широкополосного доступа (на базе современных технологий сетей передачи данных и интернет);

Расширение ЦРПЛ в направлении «Ташкент - Ферганская долина»;

Строительство международных волоконно-оптических линий связи в направлениях: Андижан - Ош (Кыргызстан), Кунград - Бейнеу (Казахстан), Денау-Турсунзаде (Таджикистан), Термез - Хайратон (Афганистан);

Расширение магистрали TAE ВОЛС в направлении Ташкент - Бухара на базе технологии DWDM;

Расширение сети передачи данных в г. Ташкенте на базе технологии DWDM/SDH/IP/MPLS;

Расширение сети беспроводного радиодоступа в сельской местности;

Реконструкция аналоговых сельских телефонных станций;

Приобретение комплектующих

для производства цифровых телефонных станций малой емкости «Коинот Эл-СГМ» для сельских населенных пунктов.

В соответствии с принятой Государственной программой «Год развития и благоустройства села», АК «Узбектелеком» реализованы конкретные меры по телефонизации объектов социальной инфраструктуры в сельской местности, включая реконструкцию и модернизацию 72 сельских аналоговых телефонных станций в Андижанской, Бухарской, Кашкадарьинской, Наманганской, Самаркандской, Ташкентской и других областях, а также телефонизацию объектов социальной инфраструктуры на селе на период 2009 - 2010 годов (обеспечение телефонной связью 3363 школ, 2388 дошкольных учреждений, 1249 сельских врачебных пунктов, 93 колледжей, 70 поликлиник). В отчетный период в рамках реализации ряда мер по телефонизации объектов социальной инфраструктуры, в республике полностью обеспечены телефонной связью

все академические лица, детские ясли, детские дома и дома милосердия. Также, обеспечены телефонной связью 96,9 % существующих поликлиник, 96,2 % больниц, 95,3% существующих школ, 91,2 % колледжей и санаторий. Уровень телефонизации школ, детских садов и сельских врачебных пунктов составляет 70-75 %.

В рамках реализации проекта «Расширение сети беспроводного доступа в сельской местности» проводится расширение сети филиала «УзМобайл». В настоящее время завершены работы и введено в эксплуатацию 20 дополнительных базовых станций в северных регионах Республики Узбекистан.

По другим вопросам повестки дня на собрании выступили главный бухгалтер компании С. Разаков, начальник отдела экономического анализа, прогнозирования и тарифов Х.Абидова, Член ревизионной комиссии Р.Карабаева и др.


Пресс-служба АК «Узбектелеком»

Весь мир на расстоянии одного клика

Сегодня интернет предоставляет колоссальные объемы информации. И чтобы всегда быть в курсе всего необходимого, нужно посещать с десятком сайтов разной тематики. Конечно, держать в голове несколько сайтов не так уж и сложно, но с ростом числа таковых это становится проблематично. К тому же, многим продвинутым пользователям недостаточно просто новостей — они хотят видеть различные статистические данные (посещаемость своего сайта, курсы валют и т.д.). В этой связи, было принято решение создать удобный инструмент, для сбора всей, нужной пользователю информации в одном месте. Так появился проект «Рабочий стол».

Что же такое «Рабочий стол»? «Рабочий стол» — это инструмент создания личного информационного пространства, где пользователь может сосредоточить в одном месте и в удобном формате всю, интересующую его, информацию.

Подача информации построена на



системе информационных виджетов. Уже сейчас в нашем каталоге несколько десятков полезных виджетов, структурированных по категориям и типам. Мы постарались охватить наиболее широкий круг интересов потенциальных пользователей. В каталоге есть практически всё — от информеры погоды до последних новостей с портала государственной власти. Каталог постоянно пополняется, и любой пользователь может создать собственный виджет, заполнив соответ-

ствующую форму и подав заявку на добавление в каталог. Мы знаем, что не можем удовлетворить каждого пользователя в его потребности к информации; для этого мы создали специальный виджет, в котором пользователь сможет добавить любую, понравившуюся ему rss-ленту, на свой «Рабочий стол». Кроме того, пользователь сам устанавливает внешний вид своего «Рабочего стола», расположение виджетов и их настройки. Благодаря использованию

технологии AJAX, это очень просто и удобно. Также мы учли то, что у пользователя могут быть различные интересы и создали возможность создания нескольких вкладок для размещения виджетов, т.е. пользователь может структурировать информацию по своему усмотрению.

Для удобства новых пользователей, впервые попадающих на «Рабочий стол» мы создали набор виджетов по умолчанию, чтобы пользователям было удобнее начать пользоваться сервисом.

Организовав свою домашнюю страничку с помощью сервиса «Рабочий стол» на ID.UZ, пользователь сможет, как в конструкторе, собрать то, что он хочет видеть в сети, на своей начальной страничке навигации по интернету. Дома и на работе, в интернет-кафе и в зарубежной поездке — рабочий стол всегда будет на расстоянии одного клика.

В данный момент сервис находится в состоянии публичного тестирования. Будем рады всем вашим отзывам и пожеланиям.

Добро пожаловать на «Рабочий стол» ID.UZ.

ПОЧТА+БАНК: Хамкасбларимиз тажрибаси

(Давоми. Бошланishi ўтган сонларда.)

Италия



BancoPosta — Италия почтаси (Poste Italiane)нинг турт асосий бизнес йўналишларидан бири.

Италян почта банки 1990-йилларнинг охириларида, кенг кўламли молиявий маҳсулот ва хизматлар йўлга қўйилган ҳолда ишга туширилди: дебет карталари, суғурта полислари, облигациялар, сармоя жамғармаларида қатнашиш, истеъмо ва ипотека кредитлари. Айтиш керакки, тизим нисбатан қисқа вақт ичида оёққа туриб олди. 2000 йилда очилган Conto BancoPosta жамғарма ҳисоби ҳозирга келиб, Италиядаги энг оммалашган жамғарма ҳисобланади.


2003 йили бозорга Postepay дебет картаси чиқарилган бўлиб, бугунги кунда 3,5 миллион фойдаланувчисига эга. Электрон тўлов карталари ҳам муваффақиятли лойиҳалар сирасига қиради — аynи пайтда уларнинг 10 миллионтасидан фойдаланилмоқда.

Италия почтасининг 9 мингта почта бўлимида электрон пул ўтказмалари хизмати кўрсатилади, бу хизмат MoneyGram билан ҳамкорликда йўлга қўйилган.

BancoPosta ривожланишининг тўғри йўлидан бораётганлигига яна бир далил 2008 йили, яъни жаҳон иқтисодий инқирози авж палласига чиққан йили почта банки энг яхши кўрсаткичларга эришгани бўлди. Бу даврда почта жамғармалари сертификатларини харид қилиш 300 фоизга ўсди, аксинча, Италиянинг бошқа молия ташкилотлари фуқаролар банклардаги сармояларини қайтариб олишидан жиддий зарар кўрди. 2008 йили почта жамғарма ҳисобларидаги депозитлар 112 фоизга ўсди. Ҳозирга келиб, Италия почта банки 5 миллион ҳисобдаги 340 миллиард евро жамғармани бошқармоқда. Ёки бошқача айтганда, бу банк мамлакатдаги энг йирик жамғарма банкига айланди. Мазкур банкка қарашли Fondi BancoPosta Sgr инвестиция бўлимига назоратида 3,3 миллиард евро бор.

Франция

Франция почта банки (La Banque Postale) La Poste компаниялар гуруҳига



қиради. La Banque Postale мамлакат бўйлаб хусусий ва корпоратив мижозлар учун банк ва суғурта маҳсулотлари ҳамда хизматларини тақдим этади. Аynи пайтда 22,2 миллионга жорий ҳисоб очилган бўлиб, уларнинг 9,53 миллионтаси аҳоли, 480 минггаси ташкилотларга тегишли. Банк томонидан ишлатилаётган банкоматлар сони 5191та, молиявий марказлари эса 23та. Почта банки томонидан ҳозиргача 6 миллионга банк карталари чиқарилган бўлиб, миллий бозорнинг 11 фоизини ташкил этади. La Banque Postale мижозларига берган кредитлар миқдори шу кунгача 270 миллиард евродан ошди. Эътирофга лойиқ жиҳати — 24 соат кеча-кундуз банк хизматидан фойдаланиш мумкин.

Франция почтаси оғир иқтисодий қийинчиликка учраган бир шароитда La Banque Postale молиявий йилни фойда билан тугаллаган ягона бўлими бўлиб қолди. Франция почта банкининг галдаги режаси йил охиригача мижозлари сонини 10 миллион нафарга етказишдир.

Исроил

Исроил почта банки — чакана амалиётлар бўйича мамлакатдаги энг йирик банк. Қарийб 200 минг нафар исроиллик ўз жамғарма-




ларини шу банкда сақлашади. Почта банкида ҳар ким ҳисоб рақами очиши мумкин, бунинг устига, тижорий банклар қадами етмаган энг чекка ҳудудларда ҳам унинг бўлимлари ишлаб турибди. Унинг филиаллари сони 650га бўлиб, икки асосий рақобатчи — «Апоалим» ва «Леуми» филиаллари умумий сонидан кўтирди. Исроил почта банки мижозларига асосий хизматлардан чек дафтарчалари, дебет карталари, «банк тошириғи» бўйича тўловларни амалга ошириш ва ҳоказо хизматларни кўрсатади. Банкнинг сертармоқлиги муваффақиятнинг ягона омил эмас, шунингдек, илғор компютер технологиялари, хизматлардан интернет орқали фойдаланиш имконияти яратилгани, қулай тарифлар, хизматлар учун бошқа тижорий банкларга нисбатан кам устама қўйилиши каби чора-тадбирлар ҳам мижозларни жалб этиши аниқ.

Почта банки, шунингдек, тадбиркорлар, ҳукумат муассасалари ва аҳоли учун тўлов хизматлари кўрсатади. Унинг бу йўналишдаги улуши мамлакатда 50 фоизга тенг, давлат ташкилотлари орасида 65 фоиз тўловлар почта банки орқали амалга ошади. Хизматлардан яна мамлакат ичида ва хорижга пул ўтказмалари, жорий банк ҳисобларини бошқарини, валюта айирбошлаш, иш ҳақлари, депозитлар тўлашни санаб ўтиш мумкин.

Маълумки, интернет фаолияти бевосита COM доменидан бошланган. Жорий йилнинг март ойида мазкур домен ташкил топганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан COM домени маъмури ҳисобланган Verisign компанияси йил давомида кўплаб тадбирлар ўтказишни режалаштирган бўлиб, тадбирлар нафақат юбилейни муносиб нишонлаш, шунингдек, чорак аср давомида домени яратишга, Глобал Тармок тарихи ва таракқиётига муносиб хисса қўшган новатор ва профессионаллар фаолиятини кенг ёритишга хизмат қилади.

ОЛТИН ЗАХИРА: COM доменига 25 йил тўлди



Масалан, ўтган ой «COM олтин захираси» — «COM 25» соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Энг муносиблар 75 номзод — интернет дунёси ривожига катта ҳисса қўшган компаниялар ва инсонлар орасидан танлаб олинди. Демак, улар билан танишамиз:

- AOL ва шахсан Стив Кейс, у кенг омма учун электрон почтани олиш ва кўриш жараёнини осонлаштириш йўлини топган;
- Alibaba Group, Хитой бизнес тизимлари учун COM доменини очган;
- Amazon.com ва шахсан Жефф Безос, у афсонавий интернет-дўкон асосчисидир;
- Apple ва шахсан Стив Жобс, корпорация асосчиларидан бири ва бош директори;
- Baidu, хитойликлар қидирув тизими;
- Cisco ва шахсан Жон Чамберс, компания ижрочи директори;
- Craigslist, машхур электрон эълонлар газетаси;
- eBay ва шахсан Пиер Оmidяр, аукцион асосчиси;
- eTRADE.com;
- Facebook ва шахсан Марк Цукерберг, ижтимоий тармоқ муаллифи ва асосчиси;
- Google, Ларри Пейж ва Сергей Брин, корпорация асосчилари;
- Infosys, Ҳиндистондаги йиллик айланмаси 4 миллиард долларга тенг йирик интернет-компания, 1981 йили асос солинган;
- Intel ва шахсан Энди Грив, корпорация раҳбари;
- Microsoft/MSN/Gates Foundation ва шахсан Билл Гейтс;
- MySpace, ижтимоий тармоқ;
- Napster, мусиқий файлларни юклаш учун дастур;
- Netscape ва Марк Андрессен, биринчи браузер — Mosaic/Netscape бош ишлаб чиқувчиси;
- Netscape/Web MD ва шахсан Жим Кларк, асосчиси;
- Paypal, тўловлар онлайн-сервиси;
- Sun Microsystems ва шахсан Скотт Макнили, корпорация асосчиси;
- Тим Бернерс-Ли, WWW протоколи ихтирочиси;
- Twitter, микроблогинг сервиши;
- Вият Серф, Интернет отаси;
- Yahoo, Жерри Янг ва Дэвид Фило, корпорация асосчилари;
- YouTube, видеохостинг сервиши.

ЁШ ТАДБИРКОР

"Келажак овози"

ёшлар ташаббуслари маркази Фарғона вилояти бўлими ёш тадбиркорлар мактабида ёшларни кичик бизнесга жалб қилиш, эндигина иш бошлаётганларга услубий ва молиявий кўмак бериш юксак савияда олиб борилмоқда.

Жорий йилда ушбу вилоятдан тўрт нафар бўлажак тадбиркор лойиҳанинг баҳорги мактабида қатнашиб, билим ва кўникмаларини ошириш, гоғларини ҳаётга табиқ этиш имкониятини қўлга киритдилар.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий ўтказилиб келинаётган "Келажак овози" танловининг шаҳар, туман босқичлари бу йил ҳар йилгидан кўра мукамалроқ ўтказилди, танлов ҳақиқий иқтидор эгаларининг беллашувига айланди. Бу сафар ҳам энг истеъдодли, ҳар томонлама шижоатли, фаол янги гоғий лойиҳа муаллифлари вилоят босқичида гоғлибликни эгалладилар — дейди "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими мудир Аҳоржон Акбаров.

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ишгирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, ихтирочилик тақлифлари ва техник ишланмалар, амалий санъат, адабиёт ва публицистика номинациялари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этидилар. Улардан бири, иқтидори, изланишлари орқали вужудга келтирган бизнес-лоийҳа муаллифи, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали талабаси, "Келажак овози 2009" танлови гоғлиби Исломожон Қодировшир. У ушбу дастурда "Сенидо томято" деб номланган бизнес гоғисидан помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотларини вақтидан эртароқ тез етиштириш мақсадини кўзлаган. Ёш тадбиркор гоғисининг афзаллиги шундан иборатки, полиз маҳсулотларини тез ва эрта етиштириш учун иссиқхонадан пахса деворлар билан қуриш керак. Бундай иссиқхонада иқлим табиий, майдон кентроқ бўлади. Натияжада ҳосил мўл бўлади ва тез, осон етишиб чиқади.

Муҳаммаджон
МАХМУДОВ

Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.

Ислом КАРИМОВ

Таълим-тарбия шахснинг ақлий ва рухий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган жараёндир. Шу ўринда "Таълим жараёнида талабани ижтимоий фаоллик омили сифатида ўз-ўзини бошқаришга ўргатишнинг таркибий қисми бўлиб қолиши учун ўқув фаолиятини қандай ташкил қилиш керак?" деган савол туғилади.

Фаоллик омили

Олий таълимда ўқитиладиган ҳар бир фан, фундаментал фанлардан тортиб умумқасбий фанларга қадар, ўзининг ўқув воситалари ва ўз моҳиятига мос равишда тарбиявий таълим ҳал қилишга қаратилган. Шу жумладан, олий таълимнинг ихтисослик йўналишларидаги ўқув режа ва фан дастурлари ҳам бугун таълим жараёнида талабаларда маънавий дунёқарашни тадрижий шакллантиришга қаратилган изчил тадбирларни бажаришга йўналтирилган.

Янги яратилган ўқув дастурлар ва дарсликлар миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда маънавий тарбияси учун кенг имкониятлар очиб бериши зарур. Олий таълимда маънавий дунёқарашни ривожлантиришга хизмат қилувчи фан асосларини ўрганиш муҳим ўринни эгаллайди. Дунёқараш фаоллиги меҳнат, ҳаёт, бажарилаётган фаолиятга муносабатда намоён бўлади.

Агар дастурда билимлар тизими аниқ ва мақсадга йўналтирилган тарзда акс этса, маънавий-ахлоқий тушунчалар тизимини билимлар тизими билан уйғунлаштириш лозим. Бунда талабаларнинг ақлий, ҳиссий билиш имкониятларини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиш учун унинг ижтимоий таърибасига таяниш лозим бўлади.

Талабанинг ўқиб ўрганганлигини аниқлаш осон, аммо тарбия натижасини текшириб кўриш анча қийин. Боланинг тарбияланганлигига фақат унинг гапига қараб ҳукм юритиш, баҳо бериш мумкин. Таълим жараёни аниқ уюштирилган шаклларда амалга оширилади, тарбияни уюштириш эса жуда мураккабдир. Тарбия тарбиячидан катта маҳорат талаб қилади.

Таълим шахс ҳаётий фаолиятидаги муайян мотивларни ҳамда унинг ҳиссий-иродавий қирраларини уйғутади. Ҳаётий фаолият эса ўзлаштириш жараёнида ахлоқнинг мотивли ва ҳиссий-иродавий жиҳатларини ўзига сингдиради. Талаба ўқув жараёнида педагогик вазифаларни бажарар экан, ундаги жисмоний фаоллик, шўҳлик қилиш ёки бефарқлик одати барҳам топади ва янги ҳолатни бошдан кечиради. Агар интизомсиз ёки ўзлаштириши суст талаба бўлса, эндиликда бу жараёнда у фаол ва диққати жамланган талабага айланади.

Талабаларнинг тарбия жараёнини ўрганиш талабаларни билиш; уларга индивидуал ёндашишнинг ягона асосидир. Талабаларни ўрганиш ва улар тўғрисида билиш тўпламининг асосий воситаси психологик, педагогик тавсифномадир. Тавсифнома қисқа, батафсил ёзилган, муаммоли бўлиши керак. Характеристика тўғри тузилса ва ундан тўғри фойдаланилсагина болалар тўғрисида билим тўплашнинг воситаси яхши бўлиши мумкин.

Талаба учун ҳамиша юқори ахлоқни рағбатлантирувчи ҳолатлар, кечинмалар, мотивлар бўлиши ўқув фаолияти натижаларига маъсуллик, жамоа олдидagi ор-номус ва бурч ҳислари, таълим олиш фақат ўзи учун эмас, балки жамоа ва ижтимоий ҳаёт ривожини ҳам аҳамиятли эканлигини аниқлаш, шу билан бирга, ўқув ва ижтимоий фаолиятдан манфаатдорликни қарор топтириш, ўқув фаоли-

рилган маънавий-ахлоқий ва маърифий таълим-тарбия ва ўқувчи шахсининг ижтимоий фаолияти аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур.

Талабани ижтимоий фаоллик омили сифатида ўз-ўзини бошқаришга ўргатишнинг мужассам тизимини

ҳосил қилиш учун унга билимларни эгаллаш жараёнида изчил ақлий фаолият кўрсатиши, бу ҳаракат унинг иродавий ҳислари ва маънавий қиёфасининг барча томонларини қамраб олиши зарур. Акс ҳолда, талаба ўқув жараёнидан ажралиб қолиши, интизомсизлик, бефарқликка берилиб кетиши мумкин. Яъни, маънавий ахлоқий талабар билан реал ахлоқ ўртасида узилиш вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнида талаба шахси, унинг этиқодини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга қанчалик таъсир қилишга, ўз-ўзини маънавий такомиллаштиришга қай даражада интилиш уйғота олишига боғлиқ. Курсатиб ўтилган ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш ва уни фаоллаштириш йўллари ўқув фаолияти асосида шаклланишига ёрдам берувчи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишга қаратилган. Талабаларнинг қарашлари ва эти-

қоқларини шакллантириш узоқ давом этадиган жараён. Бу йўлдан тадрижий равишда илгари силжиб, муайян динамик ўзгаришга эришиш лозим.

Аммо таъкидлаш жоизки, дунёқарашнинг шаклланганлиги ва уни билиш, дунёқараш бўйича кўп ўқиганлик ва

Шуни унутмаслик керакки, ўқув-тарбия жараёнида талабалар орасида маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларни изчил амалга ошириш лозим. Чунки талабалар фақат билим эгаллаш ва маълумот олиш билан ўз-ўзидан маънавийли бўлиб қолмайди.

ли мақсадининг иккинчи муҳим қисми бўлиши ҳамиша зарур. Бундай мотивлар ўқув фаолиятида амал қилар экан, улар талабанинг маънавий таърибасини бойитиши ва ахлоқий сифатларда акс этади. Шу сабабли маънавий метёрларга мос келувчи ҳуқуқий одалар, ахлоқ метёрларини шакллантириш, таълим мақсадининг муҳим қисми бўлиб қолиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув-тарбия жараёнида талабалар орасида маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларни изчил амалга ошириш лозим. Чунки талабалар фақат билим эгаллаш ва маълумот олиш билан ўз-ўзидан маънавийли бўлиб қолмайди. Шахс жуда ўткир ақл соҳиби бўлиши мумкин, бирок ўрни келганда баъзи ахлоқий метёрларга риоя қилиш зарурлигини тушунмаслиги, ўзининг ҳиссий кечинмаларини аниқлаб етмаслиги мумкин. Бундан қўриниб турибдики, ўқув фанлари ўз-ўзидан маънавий ривожланишини тўлақонли таъминламайди. Талаба шахси маънавиятини ривожлантириш учун мақсадга йўналти-

ўққанлик ҳатто у ҳақида далиллар келтириш билангина эмас, балки дунёқарашнинг амалий даражаси ўлароқ, унинг қундалик ҳаётда барча фаолиятда намоён бўлиши билан белгиланади. Шахснинг ижтимоий фаолияти, унинг ташкилотчилиги, интизомлиги, топширилган ишга маъсуллик, инсонпарварлик, адолатли, демократик жамиятнинг барпо қилишдаги иштироки жамоа ва жамият манфаатини кўзлаштириш асосий кўрсаткич ва мезон вазифасини ўтайди. Илмий кузатишларга кўра, талаба ўзини қизиқтирадиган билимларни эгаллашда ижодий ёндашувчанлик, кузатувчанлик, зеҳн, тасаввур бойлигини намоён қилади. Ўзини қизиқтирмаган билимлар соҳасида эса у ўз тараққиётининг куйироқ босқичига тушиб кетиши мумкин. Демак, талабанинг билим эгаллаш жараёни ижтимоий фойдали фаолият бўлиб қолиши учун унда маъсуллик, бурч, ор-номус, гуруҳ ҳислари етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Шунингдек, талабаларда ижтимоий фаоллик омили сифатида ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини шакллантириш учун эса маънавий билимларга мос келувчи ахлоқий кўникма ва маълумот шаклланган бўлиши лозим.

Шаҳноза ШЕРЕБОЕВА,
ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси

Диктат

Ўзингизга ишонч уйғотишнинг энг мукамал йўли — бирон омадсизликка имкон бермасдан ҳаракат қилишдир.

Локвуд ЗОРП

Раис қайта сайланди

Қашқадарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмасининг VI конференцияси бўлиб ўтди. Бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг 2004 йил 1 ноябрдан 2010 йил 1 июнгача бўлган даврдаги фаолияти бўйича кўмита раиси Кўчкор Каримовнинг хисоботи тингланди.

Маърузачи вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ўз хизмат доирасидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, республикамизда бозор ислохотларининг чуқурлашуви шароитида кўмита томонидан касаба уюшмалари ишининг услублари ва йўналишларини такомиллаштириш, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникалари бўйича ишларни яхшилаш, қабул қилинган тариф келишувлари ва жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш, уларга кўпроқ имтиёзларни киритиш, уларни тўлиқ бажариш борасида амалга оширилган ишларга атрофлича

тўхталди. Ҳисобот даврида алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган уч минг нафардан ортиқ алоқачининг, жумладан, хотин-қизларга меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёзлардан ташқари, тариф келишуви ва жамоа шартномалари орқали кўшимча имтиёзлар берилгани, имтиёз турларининг йилдан-йилга кўпайиб боргани, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар нархини қоплаш, мактаб ёшидаги икки ва ундан ортиқ болали аёлларга иш ҳафтаси давомийлигини бир соатга қисқартириш ва бошқа имтиёзлар, алоқачиларнинг турмуш шароити, дам олишлари, соғлиқларини тиклаш борасида қилинган ишлар кўлами кенгайганлигини таъкидлади.

Шунингдек, конференцияда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси тафтиш комиссиясининг ҳам ҳисоботи тингланди.

Маъруза юзасидан Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, "Ўздунробита" хорижий корхонасининг Қарши филиали директори Усмон Хушвақтов, "ЎЗИ-Қарши" филиали КУҚ раиси Шухрат Қанмов, вилоят ахборот-кутубхона маркази бошлангич КУҚ раиси Сожида Ражабова, "Паланг" махсус хизмат кўрсатиш корхонаси КУҚ раиси Гузал Омонова, "Қашқадарё Телеком" филиали директори Жуманазар Бозоров, вилоят "Мағбуот тарқатувчи" ШК раҳбари Тиркаш Очилов, ТАТУ Қарши филиали талабаси Феруза Очилова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Конференцияда ташкилий масала кўрилиб, Кўчкор Каримов вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси этиб қайта сайланди. Қашқадарё ра-

диотелевицион узатиш маркази КУҚ раиси Ғофир Раҳмонов мазкур кўмита раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосари этиб сайланди.

Шунингдек, конференцияда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси таркиби, тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши таркибига номзодлар, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси курултойига ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайлади.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, шу куни вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмасининг янги сайланган таркиби аъзолари иштирокида йигилиш ўтказилди.

Конференция ишида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

И.АФТОНДИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан "Баркамол авлод йили Давлат дастури"нинг амалга оширилишига қаратилган кўйдаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- ёшларни, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини, хусусан, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароитлар яратиш;
- хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, айрим туманларда ва қишлоқ жойларда уларни касбга ўқитиш ишларини яхшилаш;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарarli таъсирлардан, ташқаридан кириб келувчи паст савиядаги турли «оммавий маданият» таҳдидлари ва таъсирларидан асраб қолишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 10 млн. сўм.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2010 йил 30 июл соат 16-00га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар кузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Бунёдкор кўчаси, 1-уй" манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни сканер қилинган раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан grant-9-ngo@inbox.uz электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг кўйдаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган кўйдаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш, сув объектлари ва ҳavo муҳитининг ифлосланиши даражасини камайтириш;
- ногиронлар таълими ва уларни тарбиялаш учун қудай шароитлар яратиш, улар жамиятлари ва уюшмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 8 млн. сўм.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2010 йил 30 июл соат 16-00га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар кузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Бунёдкор кўчаси, 1-уй" манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни сканер қилинган раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан grant-10-ngo@inbox.uz электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг кўйдаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

Касбини улуғлаб

— Почтада ишлайсанми?
Дадаси кулимсираганча жавоб кутарди. Бу саволдан ҳам кўра таклифни эслатарди. Гойназар ўйланб қолди. Аввало унинг миёсида почтада иш осони, кўйинми, деган фикр айланди.

— Эплай олармиканман?
— Эплайсан, — деди дадаси ишонч билан, — Ҳоким ўртоғим, биласан, оёғини урушда ташлаб келган. Бир оёғи протез тўртта калхўзга почта тарқатади... “Сенинг ҳар ҳолда оёқларинг борку”... Бу гапни дадаси айтмади, кўнглини авайлади. Лекин Гойназар гапнинг давомини уқиб олди.

— Бўпти, дадажон, сиз нима десангиз шу.

Ҳоким ака ҳам ярим кўнгли йигитга касб ўргатиб савобга дохил бўлишини орзулади. Гойназарни хабарчи қилиб ишга олишди.

— Хабарчилик осон иш эмас. Юз хил одамга юз хил муомала керак. Ҳалол бўлсанг, тўғри ишласанг — марра сеники. Қор, ёмғир, довул деймайсан. Почтани ўша кунли олиб борасан, — деди Ҳоким ака. — Эртасига олиб борганинг бу — ўша одамнинг юзига тарсаки тортиб юборишдек гап. Тушундингми?

— Тушундим.

Ҳоким ака Тиллабоев исми жисмига монанд тилло одам эди. Ҳалол, тўғри, тезкорлиги билан одамларнинг меҳрини қозонганди. Ёшлардан ҳам шундай фидоийликни талаб қиларди. Устоздан касб сирларини тез ўрганган бўлса-да, Гойназарнинг бошидан анча-мунча машаққатлар кечди. Рақамлар, пул

билан ишлаш одамни зийрак, эҳтиёткор, масъулиятли қилиб кўйаркан. Дарҳақиқат, хабарчига отнинг калласидек юрак керак экан. Ахир кўнгилсиз воқеалар кўп бўлган фаолиятида. Улар яшашга, ишлашга ҳалақит беради. Шу боис уларни эсламасликка интилади. Ёқимлилари эса орадан йиллар кечса ҳамки, кўз унгидан кинотасмадек ўтаверади.

Иш бошлаган дастлабки ойларидаёқ бир нарсани — кўп ойдлар хабарчини ўз оиласи аъзосидек қабул қилишини юрак-юракдан сезди. Хонадонда уни очик ҳеҳра билан кутиб оладилар, тавозеъ билан кузатадилар — қандай саз-а! Кунлардан бир кун шошилинчюма келиб қолди. Дарҳол уни эгаларига етказиш учун велосипедини елдирди. Тинчлик бўлсин, ишқилиб, “Телеграммани ўқима”, дейишарди, ўқимасди. Хайриятки, “Дадажон, аяжон, мен ўқишга кирдим”, деган хушхабар экан. Бир пасда уй тўйхонага айланди. Тортинибгина турган йигитни қаерга ўтқазини билмай қолишди. Дуолар қанотида уйига қушдай учиб келди.

— Мингга кирсин устозинг, — дуо қилишни уйдагилар. — Икки дунё саодатини кўрсин. Ишда ўрин топганинг рост бўлсин...

Мана, орадан анча сувлар оқиб ўтди. 1973 йилдан буюн почта соҳасида ишлаб келмоқда. 1978 йилгача Жўрак қишлоғидаги алоқа бўлимида хабарчи, сўнгра шу алоқа бўлимида бошлиқ вазифасини бажарди. 1990 йилда Эски араб алоқа бўлимига раҳбар этиб тайинлашди. 2003

йилдан буюн эса Олтиариқ туман почта алоқаси тармоғида обуна иши учун масъул. Бу ишга ҳам у янгича руҳ олиб кирди. Туман ҳокимлиги маънавият ва маърифат ишлари бўйича мутахассислар билан бақамти иш олиб бориб, обуна режасини ҳар йили ортиги билан удалаб келмоқда. Маънавият булогидан қайнаб чиққан газета ва журналларга обуна ишини дунёдаги энг олижаноб ишлардан деб ҳисоблайди.

Гойназар яхшигина шогирдлар ҳам етиштирди. Қаҳрамон Мамажонов ҳамда Фазлиддин Ражабовлар ана шулар жумласидан. Улар ҳам устозлари каби ишлари пухта, сўзлари бутун. Эл-юртнинг олқишини олишмоқда. Шогирдлари ҳам устоз почтачи Исмоиловнинг меҳнатлари муносиб тақдирланаётганидан хурсанд. Бўлмасам-чи, устозлари “Энг яхши хабарчи” кўриктанловининг республика голиблигига муяссар бўлган. Вилоят, туман ҳокимликлари, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. 2010 йил эса унга янада омалди келди. Алоқачилар касб байрами арафасида Гойназар Исмоилов узоқ йиллик самарли меҳнатлари учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Ҳа, касбини севган, одамларга хизмат қилишдан толмаган инсон шундай шарафларга муносибдир.

Ҳафиза САЛҲОВА,

“Хабар”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ



Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми»нинг 49-бандига асосан:

«SVYAZ STROY MONTAJ» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятини 2008 йил 30 майда берилган АА серияли 0002485 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятини 2008 йил 30 майда берилган АА серияли 0002486 рақамли;

«ORIF-TEX» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.):

- кўчма радиотелефон (радиотелефонли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятини 2006 йил 3 октябрда берилган АА серияли 0001707 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятини 2006 йил 3 октябрда берилган АА серияли 0001708 рақамли;

- кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятини 2008 йил 19 майда берилган АА серияли 0002462 рақамли;

«НУБОБД» фермер хўжалиги (Навий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятини 2008 йил 5 декабрда берилган АА серияли 0002708 рақамли;

«Тўлқин» масъулияти чекланган жамиятнинг (Термиз ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабели телевидение) бўйича фаолиятини 2004 йил 6 февралда берилган АА серияли 0000496 рақамли;

«ANGRENNING CHEXRASI» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятини 2007 йил 13 апрелда берилган АА серияли 0001941 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 25 июндан тугатилди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Хоразм Телеком” филиал чех бошлиғи Худойназар АБДУРАҲМОНОВНИ қутлуг 60 ёши билан табриклайди. Унга сўхат-саюматлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришиликни тилайди.

Муборак МИРКАМОЛОВА
ёзиб олди

ТАТУ — республикамиздаги алоқа соҳаси бўйича мутахассислар етказиб берувчи ягона олий ўқув юрти. Бу ерда талабаларнинг тўлиқ билим олишлари, соҳанинг етук билимдонлари бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилган.

Олийгоҳда почта соҳасига ҳам малакали мутахассислар тайёрланяпти. Мухбиримиз яқинда ТАТУнинг почта хизмати факултети бакалавр битирувчиларидан бири, ўзининг одоб ва ахлоқи, билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги билан талабалар орасида алоҳида обрў-эътибор қозонган Наргиза Умарова билан келажак орзулари ҳақида сўхбатлашди:

— Яқинда курсдошларим қатори почта хизмати факултети бакалавриятини битирганим ҳақидаги дипломни қўлимга олар эканман, беихтиёр кўзларимга ёш қуйилиб келди, — дейди Наргиза кувонч билан. — Негаки, мен болалиқдаги ниятимнинг дастлабки поғонасига чиқдим. Тўғрисини айтсам, алоқа соҳасини таллашимга бобом ва бувим сабабчи бўлишган. Бобом Гофур Мирзахасимов умрини алоқа соҳасига бағишлаган инсон. У киши қатор ихтирочилық таклифлари муаллифи. Бувим Манифа ая ҳам шу соҳа ривож учун жон куйдирган мутахассислардан бири. Уларнинг тўққиз нафар невараси бўлиб, учтаимиз алоқа соҳасини таллаганимиз. Оиладаги муҳит, ўзаро сўхбатлардаги ҳамфикрлик шу соҳага қизиқишимизга сабаб бўлган.

Бувим доим бизга: “Болажонларим, ҳозирги шароитнинг, тўқинликнинг қадрига етинглар. Биз уруш даврида ўқиган одамлармиз. Корнимиз тўйиб овқат емаган, эғнимиз ёлчиб кийим киймаган пайтларимиз кўп бўлган”, дейдилар.

Ортимизда биз ёшларнинг баркамол вояга етишимиз учун барча шароитлар яратилган. Мактаб ва коллежлар, олий ўқув юртли компютер билан таъминланган. Барча жиҳозларга эга спорт мажмуалари бизнинг ихтиёримизда. Олийгоҳимиз Жанубий Корея олийгоҳлари билан алоқа қилади. Кореялик энг билимдон олим у профессорларнинг маърузаларини тинглашимиз учун имкон яратиб беришди олийгоҳимиз раҳбарияти. Кўнчилиқ талабаларимиз эса Кореядаги олийгоҳларда ўқиб қайтишяпти.

ОНА ЮРТИМ — олтин бешигим



Дарвоқе, университетимиз бой ахборот-ресурс марказига эга. Хоҳлаган пайтимизда, истаганимизча бу ердаги китоблардан фойдаланишимиз, интернет тармоғига текин уланишимиз мумкин.

Олийгоҳимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга мўлжалланган қатор тадбирлар ўтказилиб турилади. Ичин ш чекшишнинг зарарли оқибатлари, гиёҳвандлик энг катта офат эканлиги, жамиятга ҳам, ўз ҳаётига ҳам зиён келтирувчи турли норасмий диний оқимларга қўшилмаслик ҳақида гап боради бундай йиғинларда.

Ҳа, бизни юрт келажак сифатида эҳтиёт қилиб, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишимиз учун ҳаракат қилишди катталаримиз. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб аталганлиги, шу йилга оид Давлат дастури доирасида кўлаб эгу тадбирлар амалга оширилаётганлиги, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар биз ёшларни доимо олға интилишга, катталар ишончини оқлашга, юрт қадрини юксакларга кўтаришга чорлаб турди.

Мен Ўзбекистондай қадимий ва келажак порлоқ юрт фарзанди эканлигим билан фахрланаман. Уқинимни магистратурада давом эттираман ҳамда бобом ва бувим каби соҳа жонқуярларидан бири бўлишга ҳаракат қиламан.

Муборак МИРКАМОЛОВА

ёзиб олди



SOUTH AFRICA 2010

ЖЧ-2010:

Галвир сувдан кўтариладиган вақт

Жаҳон чемпионатининг гуруҳ ўйинларида қайд этилган шов-шувли натижалар нимчорак финалда ҳам давом этишини кўлчилик кутганди. Аммо бу сафар эътиборни қўтилмаган натижалардан кўра ҳакамларнинг ҳатти-ҳаракатлари кўпроқ жалб этди.

Демак, нимчорак финал ўйинлари натижалари:

Уругвай – Жаңубий Корея – 2:1

Голлар: Л.Суарез, 8, 80 – Ли Чунг Ёнг 68.

Биринчи жуфтликда Уругвай фаворит саналаётганди. Сабаби, ўз гуруҳида Франция ва мезбон мамлакат терма жамоаларини ортда қолдириб, кейинги босқичга чиққан уругвайликлар анча ишончли ўйин намойиш қилмоқда. Хужум чизигида Форлан ва Суарездек футболчиларга эгалитиёқ бу жамоанинг имкониятларини сезиларли даражада оширади. Аммо, Осиё вакили – Жаңубий Корея ҳам гуруҳ баҳсларида муносиб қатнашди. Жамоавий ўйинга таянган корейликлар нимчорак финалда рақибларига бир оз имкониятни бой беришди ва кичик ҳисобдаги мағлубият уларни турнирдан чиқариб юборди.

АҚШ – Гана – 1:2

Голлар: Донован, 62-пен – К.Боатенг, 6; Гян, 93.

Африканинг нимчорак финалга чиққан ягона жамоаси – Гана ўз юришини давом эттирмоқда. Улар АҚШга қарши ўйинда магонат кўрсатиб, галабани ўзлариники қилиб олишди. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисоби билан яқунлангач, қўшимча таймлар белгиланди. Ганаликлар ҳужумчиси Гян қўшимча вақтнинг илк дақиқасидаёқ ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Америкаликлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, жавоб тўпини кирита олишмади.

Германия – Англия – 4:1

Голлар: М.Клозе, 20; Л. Подолски, 32; Т.Мюллер, 67, 70 – М.Арсен 37.

Плей-офф баҳсларининг энг марказий учрашуви сифатида баҳоланган ушбу учрашув турли мунозараларга сабаб бўлди. Ўйин 2:1 ҳисобига немислар фойдасига ҳал бўлиб турган бир пайтда инглизлар азбоси Лемпард узоқ масофадан Нойер дарвозасини аниқ нишонга олди. Тўп дарвоза тўсинига тегиб, ичкарига тушди ва сакраб ташқарига чиқиб кетди. Вазиятни аниқ баҳолмай олмаган уругвайлик ҳакамлар бригадаси “тоза” голни инобатга олмади.

Хужумга берилиб кетган Англия терма жамоасини эса германияликлар тезкор қарши ҳужумлар билан жазолашди. Яқуний ҳисоб – 4:1.

ФИФА эса уругвайлик таниқли ҳакам – Лариондани ушбу баҳсдан сўнг уйига қайтариб юборди.

Аргентина – Мексика – 3:1

Голлар: Карлос Тевез, 26, 52, Гонсало Игуаин, 33 – Хавер Эрнандез, 71.

Марадона жамоаси фаворит саналган ушбу баҳсда энди бошқа бир номдор ҳакам – италиялик Розетти можароларга сабабчи бўлди. Аргентинанинг ҳужумлари остида бошланган баҳсда Тевез биринчи голни яққол ўйиндан ташқари ҳолатда киритди. Гол ҳисобга олинди. Стади-



ондаги йирик мониторларда гол нотўғри урилгани такроран намойиш этилгач, мексикаликлар ҳакамга эътироз билдира бошлашди. Ён ҳакам билан маслаҳатлашгач, Розетти голни ҳисобга олди.

Ўйин яқундангач, ФИФА вазият бўйича қарорини эълон қилди: италиялик ҳакамга ҳам уругвайлик ҳамкасби сингари жавоб бериб юборилди.

Голландия – Словакия – 2:1

Голлар: Арен Роббен, 18, Уэсли Снейдер, 84 – Роберт Виттек, 90+4-пен.

Италияни мағлуб этиб, плей-оффга йўл олган Словакия бу сафар шов-шув кўтара олмади. Учрашувда устунликка эришган голландлар қийинчиликсиз галаба қозонишди. Ўз спорт формасини тиклаб бораётган Роббен кейинги баҳсларда рақиб ҳимоячиларига бош оғриги бўлиши турган гап. Айтганча, чорак финалдаги рақиб – кимсан Бразилия. 12 йил аввалги мағлубият реванши олиндимийўқми? Бунга бугун жавоб оламиз.

Бразилия – Чили – 3:0

Голлар: Жуан, 35, Луис Фабиано, 38, Робиньо, 59.

Жанубий Американинг бир-бирини анча яхши биладиган икки вакили ўртасидаги баҳс йирик ҳисобда Дунга шоғирдлари фойдасига ҳал бўлди. Бразилия энди ўзининг ҳақиқий кучини кўрсата бошлади. Чорак финалда учар голландларга осон бўлмаслиги аниқ.

Парагвай – Япония – 0:0 (пен. бўйича – 5:3)

Ўйиннинг асосий ва қўшимча вақтларида дарвозаларга тўп киритилмагач, пеналтилар серияси белгиланди. ЖЧ-2010даги илк футбол лотереясида қитъадошларимизга омад қилиб боқмади. Парагвай кейинги босқичга йўл олди.

Испания – Португалия – 1:0

Гол: Давид Вилия, 63.
1/16 финалнинг сўнги баҳси ҳам мухлис мутахассислар эътиборида бўлди. Европанинг икки гранд жамоаси қарама-қаршиликда Испания терма жамоаси галабага эришди. Тўпни ўз назоратида сақлаб туриш бўйича тенгсиз ҳисобланган испанлар Португалия юлдузи – Криштиану Роналдуга деярли имконият беришмади.

Чорак финал жуфтликлари:

- 2 юл.
- Голландия – Бразилия
- Уругвай – Гана
- 3 юл.
- Аргентина – Германия
- Парагвай – Испания

➔ **YOSHLAR SOG'LOM TURMUSH TARZINI TANLAMOQDA**

Тажриба ва маҳорат кўриги

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармасида Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кунига бағишлаб ҳарбий хизматчилар ўртасида спартакиада ўтказилди.

Барқамол авлод йили Давлат дастурида назарда тутилган соғлом ҳаёт тарзи маданиятини тарғиб қилиш ҳамда соғлом авлодни жисмоний ва маънавий шакллантириш мақсадида ўтказилган спартакиада мусобақаларнинг очилишида Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш маркази врач-методистлари А.Исоқжонов, О.Бекмуродов, Зангиота тумани кўп тармоқли поликлиника врач-нарқологи Х.Матқаримов, туман врач-терапевти У.Тожиёва, ҳамшира М.Қосимовалар гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига, оилага, жамиятга келтириши мумкин бўлган зарарлари ҳақида сўзлашди.

Ҳарбий қисм мuddатли ҳарбий хизматчилари 100 метрга югуриш, турникда тортиниш, арқон тортиш, тош кўтариш ва эстафета югуриш каби машқларда мусобақалашдилар. Мусобақаларда 64 нафар ҳарбий хизматчи иштирок этди. Баҳслар, аввало, бўлимлар ўртасида ўтказилиб, финал босқичда ҳарбий қисмнинг 1-АТИ маркази, 2-АТИ маркази, Алоҳида ҳаракатдаги алоқа маркази ҳамда Автомобил взводи шахсий таркиблари ўзаро беллашишди.



Мусобақалар қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди. Жумладан, бўлимлар ўртасида арқон тортиш ва эстафета югуриш турлари курашга бой бўлди. Мусобақа ғолиб ва совриндорларига эсдалик совғалари, медаллар ва дипломлар топширилди.



Мусобақанинг умумий ҳисобда ғолиб бўлган 1-АТИ марказига эса спартакиада мусобақасининг Кубоги ҳамда медал ва совғалар тақдим этилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ҳарбий қисмнинг мuddатли ҳарбий хизматчилари томонидан соғлом ҳаёт тарзи маданиятини тарғиб қилиш ҳақида театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ш.КУРАЙШЕВ,

Тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи вазифасида вақтинча бажарувчи, капитан

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Республика Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Самарқанд вилоят Давлат алоқа инспекцияси инспектори Акбаржон Жўрақуллова волдан муҳтарамаси **Суймахон ЖўРАҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сиҳаттоҳлар чорлар бағрига

Истиқлолга эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини ривожлантириш, уларни реконструкция қилиш, қайта қуриш, кенгайтириш ва энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Албатта, бундай кенг қўламли ўзгаришлар республикамиздаги мавжуд сиҳаттоҳ ва курортлар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Айтиш керакки, серкўёш Ўзбекистонимиз ҳар бир гўшаси алоҳида таърифта лойиқ, замини гидроминерал ресурсларга жуда бой. Бир-биридан кўркам, бири бирини такрорламайдиган курортлар, сиҳаттоҳлари дам олиш масканлари кўплигининг сабаби ҳам шунда. Сиҳаттоҳларимиз дунёнинг исталган турдош масканлари билан нафақат беллаша олади, балки гўзал манзаралари, шифобахш омиллари билан ўзига хос устуликка эга ҳамдир. “Чимён” санаториясида Мацесинскдагидек сероводород мавжуд бўлса, “Чортоқ” санаториясининг шифобахш сувлари эса йод ва бромга бой. “Чинобод”, “Турон”, “Бўстон”, “Ботаника”, “Ситораи Мохи Хоса” ва “Косонсой”даги шифобахш натрий-хлоридли сувлар Сахи, Евпатори ва Маҳачқалбадагидан асло кам эмас. Пятигорскдаги каби доривор сув Самарқанд вилоятидаги Абу Али ибн Сино сиҳаттоҳидан топилган. Улардан истеъмол қилишда, ванна ва душ муолажаларида самарали фойдаланилмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида ўз ишига масъулият билан ёндашадиган юқори тоифадаги шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг мунтазам равишда малакаларини ошириб боришлари, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари соғломлаштириш ўқув марказларида тажриба оширишлари доимий эътиборда.

Республикамиздаги мавжуд санатория ва курортларда ҳар йили 65-70 минг киши дам олиб, саломатликларини тиклашади, уларнинг 6-7 мингга ўсиб келаётган ёш авлодидир.

Сиҳаттоҳлар функционал ташхислаш кабинетлари, клиник ва биохимик лабораториялар, функционал-диагностик рентген хоналари сингари замон талабларига жавоб берадиган тиббий-соғломлаштириш базасига эга. Ташкилий



ишларга ҳам катта эътибор берилди — кутубхона, спорт майдончалари, кинофилмлар намойиши, мусиқавий ва бошқа кўнгилочар тадбирлар дам олувчилар хизматида. Шунингдек, оммавий-маданий тадбирлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Дам олувчилар муолажалардан ташқари, республикамизнинг диққатга сазовор жойларига, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги тарихий қадимжоларга саёҳат қиладилар. Оммавий спорт тадбирларидан иштирок этадилар.

Муолажа давомида иқлим ва кўёшнинг шифобахш имкониятларидан, парафин, лой-балчиқ, бадантарбия ва тренажёрлардан кенг фойдаланилади. Сиҳаттоҳлардаги даволаш тадбирларининг энг муҳим омили — иқлимдир. Аксарият дам олувчилар вақтларини тоза ҳавода ўтказадилар, ҳаво ва кўёш ванналарини қабул қиладилар.

Масалан, “Ситораи Мохи Хоса”даги иқлим ва сув муолажалари сурнали буйрак касаллиги бор беморлар учун асосий даво омили ҳисобланади. Тоғ иқлимига эга “Оқтош” ва “Зомин” сиҳаттоҳларидаги мусалфо ҳаво ва сув бронхиал астма хасталигига жуда яхши даводир.


Лой-балчиқлар билан даволаш сиҳаттоҳларидаги балнеотерапия муолажалари мажмуасига кирувчи самарали омиллардан биридир. Балнеотерапия бир-биридан ўзининг пайдо бўлиши, физик-кимёвий хусусияти, кимёвий таркиби билан фарқланади. Масалан, лойқали сул-



фидли балчиқ Жиззах вилоятидаги Балиқликўлдан олиб келинади ва махсус сақловхонада сақланади. Унинг ҳолати бактериологик назоратдан ўтказилади ва фойдаланишдан олдин керакли ҳароратда қизитилиб, озокерит ва парафин шаклида қўлланилади.

Барча сиҳаттоҳларда жисмоний тарбия билан даволаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бадантарбия машқлари керакли спорт жиҳозларига эга залларда эрталабки гигиеник гимнастика, катта ва кичик гуруҳлардаги даволаш гимнастикаси, якка тартибда ва спорт усулларидан олиб борилди.

“Зомин” сиҳаттоҳининг асосий муолажа омили — тоғ ҳавосидир. Сиҳаттоҳ Зомин туманининг хушманзара гўшасида, Туркистон тоғ тизмасининг шимолида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликдаги кўриқхона ҳудудига жойлашган иқлимий курорт ҳисобланади. Бетакрор тоғ манзараси, мусалфо ҳаво, кўёш нурунинг мўллиги, ультрабинафша нурларининг юқорилиги — буларнинг барчаси нафас йўллари хасталанган (сиддан таш-



қари) болалар ва катталар учун табиат инъом этган зўр имкониятдир. Бу ерга ота-оналар 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзандлари билан ташриф буюришлари мумкин.

Бундан ташқари, “Зомин”да бронхиал астма касаллигига чалинган беморларни даволашда сув муолажалари (сунъий марваридли, йодобромли, игнабаргли ванналар, душ, бассейн), физиотерапия, даволаш гимнастикалари, массаж, сауна ҳам самарали қўлланилади.

Сиҳаттоҳда дам олувчилар учун бир ва икки хонали палаталар мавжуд. Бинонинг ўзида клуб, кутубхона, бар, болалар учун ўйинли аттракционлар ва спорт майдончаси жойлашган. Қизиқарли саёҳатлар уюштирилади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон санатория-курорт муассасалари юртимиз аҳолиси ўз саломатликларини тиклашлари ва мазмуни дам олишлари учун барча имкониятларни яратмоқдалар. Марҳамат, сиҳаттоҳларимизга ташриф буюринг ва саломатлигингизни янада тикланг. Зеро, соғлиқ — туман бойиқ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши
Курортлар бошқармаси
Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 256-85-68, 256-73-56.
Сиҳаттоҳларда даволаниш муддати 14 кун.
Тўлов шакли исталган усулда.

Саҳифани Усмоишон Йўлдошев тайёрлади

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КУЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТИДНОВ (Хайят раиси), Асаджон ХУҶАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятта келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахрирдан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❶ Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-602 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 11241 нусха.</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 226-61-85</p> <p>Нусусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 226-87-71</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>		<p>1 2 3 4 5</p>	